

Alijon RAVSHANOV,
International Islamic Academy of Uzbekistan
Teacher, Department of Islamic Economics and
Finance, Ziyarah Tourism
alijon.ravshanov@gmail.com

ХАНАФИЙ МАЗҲАБИДА ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ ҲУКМЛАРИ

ШАРИАТСКИЕ ЗАКОНЫ ПОТРЕБЛЕНИЯ В ХАНАФИТСКОМ МАЗХАБЕ

SHARIAH RULINGS OF CONSUMPTION IN HANAFI SCHOOL OF THOUGHT

Аннотация: Ушбу мақолада ҳанафий мазҳабида қабул қилинган тамойиллар асосида ҳайвонларнинг (гўштини) истеъмол қилиш ҳукми жиҳатдан ҳалол ва ҳаромга ажратиш масалалари атрофлича ёритилган. Айрим ҳайвонлар бўйича бошқа фикҳий мазҳабларнинг турлича фикрлари ҳамда уларга нисбатан ҳанафийларнинг муносабати келтирилган.

Таянч иборалар: Қуръон, Суннат, қиёс, ижмо, ислом фикҳи, ҳанафий мазҳаби, ҳалол, ҳаром, ҳайвон гўшти

Аннотация: В данной статье подробно рассматриваются вопросы разделения животных на основе принятых ханафитским мазхабом принципов на дозволенное (халяль) и недозволенное (харам). Также, по некоторым животным приводится различное мнение представителей других мазхабов и отношение ханафитского мазхаба по их мнению.

Ключевые слова: Коран, Сунна, кияс (суждение по аналогии), ижма (признанный всеми улемами юридический вердикт), фикх (исламская юриспруденция), ханафитский мазхаб, халяль, харам, животное мясо

Abstract: This article studies the matters of separating animals into allowed (halal) and disallowed (haram) based on Hanafi school principles. Also, the article discusses varied opinions of other Islamic schools of thought on selected animals and the position of the Hanafi school about these opinions.

Key words: Qur'an, Sunnah, qiyas (deductive analogy), ijma' (consensus of all Islamic scholars), fiqh (Islamic jurisprudence), Hanafi school, halal, haram, animal meat.

Аллоҳ таоло яратган барча нарсаларнинг асли – уларнинг ҳалол ва мубоҳ бўлишидир. Бевосита Аллоҳ таоло ҳаром эканлигини очик далиллар билан билдирган нарсалардан бошқа ҳеч қандай ашёда ҳаром ҳукми йўқ. Инсонларнинг истеъмол қилиши учун зарарли бўлгани учун ўлимтик, чўчка, ит, мушук ва йиртқич ҳайвонлар каби айрим ҳайвонларнинг гўшти ислом шариатида ҳаром қилинган. Гўшти ҳалол ва ҳаром қилинган ҳайвонлар бўйича тўртала фикҳий мазҳаб уламолари Қуръони Карим ва Суннати Набавий кўрсатмалари асосида ўзларининг тамойилларини ишлаб чиқишган. Ушбу мақолада ҳанафий фикҳининг нодир китобларида (Фатовои Ҳиндия, Бадои' ас-санои фи тартибиш-шарои, “Раддул-Мухтор ‘ала ад-Дурриил-Мухтор) айтиб ўтилган ҳайвонларни истеъмол жиҳатдан ҳалол ё ҳаромга ажратиш бўйича ҳанафий мазҳабининг асосий тамойиллари ёритилади:

1. Қуръон ва Суннатда аниқ қилиб тақиқланган ҳайвонлар, шубҳасиз, ҳаромдир; масалан, чўчка, ўлимтик, эшак ва ҳоказо.

2. Балиқдан бошқа барча денгиз ҳайвонлари ҳаромдир. [10:6] Балиқларнинг ҳар қандай тури ҳалол, фақат табиий равишда ва ташқи омилсиз сувда ўлиб қолган балиқлар бундан мустасно. Аммо, совуқ ҳаво, иссиқ ҳарорат, тўлкин таъсирида кирғоққа чиқиб қолиш, тош билан тўқнашиш каби ташқи омиллар таъсирида ўлиб қолган бўлса, балиқнинг ўлимтиги ҳам ҳалолдир. Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг “Моида” сурасида шундай марҳамат қилади: “Сизларга ўлимтик, қон, чўчка гўшти, Аллоҳдан бошқанинг номи ила сўйилган, бўғилиб ўлган, уриб ўлдирилган, йиқилиб ўлган, сузиб ўлдирилган, йиртқич еган ҳайвонлар ҳаром қилинди”. [9:9]

Юқоридаги оятда Аллоҳ таоло барча ўлимтик ҳайвонларнинг гўштини денгиз ҳайвонлари билан қуруқликдаги ҳайвонларни ажратмасдан ҳаром қилди. Ушбу умумий тақиқ денгиз ҳайвонларига ҳам тааллуқлидир. Аммо, балиқ ўлимтигининг жоизлиги ҳақида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан очик-ойдин ҳадис ворид бўлгани учун балиқлар ушбу умумий ҳукмдан истисно қилинди.

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

“Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Бизга икки ўлимтик ва икки қон ҳалол қилинди. Икки ўлимтик балиқ ва чигирткадир. Икки қон жигар ва қора талоқдир”, дедилар. [8:415] Ибн Можа ва Ҳоким ривоят қилишган.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ёки саҳобаларнинг балиқдан бошқа денгиз ҳайвонларини истеъмол қилганлари ҳақида ҳадис манбаларида бирон хабар учрамайди. Агар бу денгиз ҳайвонлари ҳалол бўлганида, уларнинг жоизлигини билдириш мақсадида ҳеч бўлмаганда бир марта истеъмол қилинган бўларди. [3:280]

Табиий равишда ташқи омилсиз сувда ўлган балиқларга (самак ат-тафи) келсак, Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Денгиз соҳилга чиқариб ташлаганни ейишингиз мумкин, аммо денгизда ўлиб, тескари (қорни осмонда) бўлиб қолганни еманг”, дедилар. Абу Довуд ва Ибн Можа ривоят қилишган.

Ҳазрати Али розияллоҳу анҳу табиий равишда ўлиб, қорни билан тескари қалқиб чиққан балиқларни бозорларда сотишни тақиқлаган. [1:36]

Хулоса қилсак, ҳанафий мазҳаби уламолари сув ҳайвонларига тегишли масалада жумҳур уламоларга ҳилоф қилганлар. Улар: “Балиқдан бошқа сув ҳайвонлари ҳалол эмас, чунки сув ҳайвонларини ўзи ўлганидан кейин истеъмол қилинади. Ўлимтик эса ҳаромдир. Балиққа келсак, унинг ўлимтик бўлса ҳам ҳалоллиги ҳадисда келган”, деганлар. Балиқни шариат қоидаларига биноан сўймасдан ҳам ейишга рухсат берилади. Аммо, ташқи омилсиз табиий равишда ўлиб қолган, қорни билан сув юзасига қалқиб чиққан балиқлар ҳаромдир. Бошқа мазҳаб уламолари “Моиди” сурасидаги “Денгиз ови ва унинг таоми сиз ва сайр қилувчиларга ҳалол қилинди. Модомики, эҳромда экансиз, сизга қуруқлик ови ҳаром қилинди. Ҳузурида тўпланадиганингиз Аллоҳга тақво қилинг” оятни далил қилиб, “Денгиз ҳайвонларининг барчаси ҳалол” дейдилар.

3. Қуруқликда яшовчи қони йўқ чаён, чумоли, суварак, ўргимчак, ари каби ҳашаротлар ҳам ҳаромдир. [10:6]

Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг Аъроф сураси шундай марҳамат қилади: “(У пайғамбар) уларга яхшиликни буюриб, ёмонликдан қайтариб, уларга покиза нарсаларни ҳалол қилиб, нопок нарсаларни ҳаром қилади...”.

Ўргимчак ва шу каби қони йўқ ҳайвонлар нопок нарсалардан ҳисобланади, чунки соғлом табиатли киши уларни истеъмол қилишдан ҳазар қилади. Бу турдаги ҳайвонлардан фақат чигиртка жоиз, чунки уни истеъмол қилишга, юқорида кўрганимиздек, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзлари рухсат берганлар.

Абдуллоҳ ибн Абу Авфо розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

“Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан еттига ғазотда бирга қатнашдик. Унда чигиртка едик”. Бошқа ривоятда: “Биз у зот билан бирга чигиртка едик”, бўлиб келган. [11:751] Муттафақун алайҳ.

4. Қони бор, аммо қони окмайдиган қуруқликдаги ҳайвонлар, бошқача айтганда, илон, калтакесак, буқаламун каби оқувчи қони бўлмаган ҳайвонлар ҳам ҳаромдир.

5. Сичқон, типратикан, кўшоёқ каби барча турдаги зарарқунандалар (ҳашаротул арз) ҳам ҳаром ҳисобланади. Чунки бундай ҳайвонлар истеъмол учун нопок ҳисобланади.

6. Қуруқликда яшайдиган, қони оқадиган, ўт ва барглар билан озикланадиган, бошқа ҳайвонларнинг гўшти билан озикланмайдиган, яъни йиртқич бўлмаган туя, сигир, эчки, қўтос, қўй, кийик каби ҳайвонларнинг гўшти ҳалолдир.

Шунингдек, юқорида зикр қилинган ҳайвонлар каби ўтхўр ва қуруқликда яшаса ҳам, эшак гўшти ушбу умумий ҳукмга кирмайди ва унинг истеъмоли ҳаром ҳисобланади.

Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг Наҳл сураси 5-оятда “(У Зот) чорва ҳайвонларини ҳам яратди. Уларда сиз учун иссиқлик, манфаатлар бор ва улардан ейсизлар ҳам” ҳамда Ғофир сураси 79-оятда “Аллоҳ сизларга чорва ҳайвонларини улардан баъзиларини минишингиз учун яратган Зотдир. Улардан баъзиларини ерсизлар” деб марҳамат қилган. Луғат олимларининг яқдил фикрига кўра, юқоридаги икки оятда Аллоҳ таоло йиртқич бўлмаган ҳайвонларга тегишли бўлган “Ал-анъом” (ўзб. қорамол) сўзини ишлатган.

От гўштини истеъмол қилиш масаласига келсак, имом Абу Ҳанифа (раҳимахуллоҳ) отнинг шарафли ҳайвон эканлиги ва ҳарбий жанглarda фойдаланилиши жиҳатидан от гўштини кароҳиятли (макруҳ танзиҳан) деб билган. Имом Абу Юсуф ва имом Муҳаммад наздида эса от гўшти ҳалолдир. Ривоят қилинишича, имом Абу Ҳанифа кейинчалик ўз фикридан қайтган.

Эшак ва ҳачир гўшtlари ҳақида Аллоҳ таоло Наҳл сураси 8-оятда “Отлар, ҳачирлар ва эшакларни минишингиз ва зийнат учун (яратди) ва сиз билмайдиган нарсаларни яратур” деган. Юқоридаги оятларда Аллоҳ таоло йиртқич бўлмаган бошқа барча ҳайвонларни инсоният истеъмоли учун яратганлигини таъкидлаганди. Аммо, эшак ва ҳачирларни миниш ва зийнат учун яратганини айтмоқда. Агар бу ҳайвонларни ҳам истеъмол қилиш жоиз бўлганда эди, Аллоҳ таоло, албатта, буни ўз оятларида билдирган бўларди.

Бундан ташқари, Абдуллоҳ ибн Умар (розияллоҳу анҳу) Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Хайбар жанги куни эшак гўштини ҳаром қилганларини ривоят қилган. [5:526] Абу Саълаба (розияллоҳу анҳу) ҳам Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг эшак гўштини ҳаром қилганларини ривоят қилган. [5:527]

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қошларига бир киши келиб: “Эшак гўшти едим”, - деди, кейин яна бир киши келиб: “Эшакни ҳалок қилдим (сўйдим)”, - деди. Шунда ул зот жарчига буюрдилар, у одамларга: “Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло ва Унинг Расули сизларни хонаки эшаклар гўштини емокдан қайтарур, чунки эшак гўшти ифлосдур!” - деб эълон қилди. Кейин ичида эшак гўшти қайнаб турган қозонлар ағдариб ташланди”. [5:527]

Ҳачир масаласига келсак, Холид ибн Валид розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам от, ҳачир ва хонаки эшакларнинг гўшtlарини ейишдан қайтардилар”. [8:418] Абу Довуд, имом Насоий ва Ибн Можа ривоят қилишган. Бирок, фақиҳлар ҳачирнинг ҳукми унинг онасининг ҳукмига қараб бўлади дейишади. Агар онаси

эшак бўлса, демак, ҳачир ҳам ҳаромдир. Агар онаси ҳалол ҳайвонлардан бўлса, масалан сигир, бундай ҳачир ҳалол бўлади. Агар онаси от бўлса, унда от гўштини истеъмол қилиш ҳукмига амал қилинади. (Қаранг: “Радд ул-мухтор”)

7. Куруқликдаги барча йиртқич ҳайвонлар, яъни тишлари билан ов қилувчи шер, гепард, йўлбарс, леопард, бўри, тулки, ит, мушук каби ҳайвонлар ҳаром ҳисобланади. [10:6]

8. Барча йиртқич қушлар, яъни тирноқ ва чангаллари билан ов қилувчи лочин, бургут, калхат, қирғий, кўршапалак каби қушлар ҳаром ҳисобланади. [10:6]

Еттинчи ва саккизинчи тамойилларнинг далили шулки, Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг барча қозик тишли йиртқич ҳайвонларни ва чангак тирноқли йиртқич қушларни ейишни тақиқлаганини ривоят қилган. (Қаранг: Саҳиҳ Муслим, №1934) Шундай қилиб, барча ов ҳайвонлари ва қушлари ҳамда тишлари ва чангаллари билан ов қилувчи йиртқич ҳайвонлар ва қушлар бир овоздан ҳаром ҳисобланади.

9. Чангаллари билан ўлжасини овламайдиган, бошқа ҳайвонларнинг гўшти билан озиқланмайдиган, фақат дон ва экинлар билан озиқланадиган товук, ўрдак, кабутар, мусича, чумчук, қарға каби қушларнинг ҳаммаси ҳалолдир. Абу Мусо ал-Ашъарий розияллоҳу анҳу: “Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг товук (парранда) гўшти еяётганларини кўрдим”, деб ривоят қилган. [5:525]

10. Агар ҳалол ҳайвон гўшти ва сутида бадбўй ҳид ҳосил қиладиган даражада нопок нарсаларни истеъмол қилган бўлса, у ҳолда унинг гўштини истеъмол қилиш ва сутини ичиш макруҳдир. Аммо, у ҳаром билан бошқа пок нарсаларни ҳам қўшиб еган бўлса, ёки гўшт ва сutiдан бадбўй ҳид келмаса, унинг гўшти ва сuti бутунлай ҳалолдир. [2:340] Товук еган нарсасининг аксарияти ҳаром бўлса ва унинг гўшtidан бадбўй ҳид келса, унинг гўштини истеъмол қилиш макруҳ ҳисобланади. [4:289]

11. Охириги тамойил – агар ҳайвоннинг ота-онасидан бири ҳалол, бошқаси ҳаром бўлса, онасига эътибор берилади. Агар онаси ҳалол

хайвон бўлса, унинг насли ҳам ҳалол бўлади; масалан, онаси сигир бўлган ҳачир, агар онаси ҳаром хайвон бўлса, унинг насли ҳам ҳаром бўлади; масалан, онаси эшак бўлган ҳачир.

Юқорида келтирилган ўн битта тамойил ҳанафий мазҳабида ҳалол ва ҳаромга бўлинувчи хайвонларни аниқлаштириш учун ишлаб чиқилган. Ҳалолнинг маъноси ўша хайвоннинг гўшти ва сутини истеъмол қилиш мумкинлигини билдиради, аммо бу хайвонларни сўйиш ва ов қилиш бўйича яна алоҳида қоидалар мавжуд. Ушбу қоидаларга риоя қилмаслик ҳалол хайвонларни ҳаромга айлантириб қўйиши мумкин.

Қуйида ҳанафий мазҳаби бўйича ҳалол ва ҳаром хайвонларнинг рўйхати келтирилган:

Гўшти ҳалол бўлган хайвонлар:

1. Туя	9. Балиқ	17. Чигиртка	25. Лайлак
2. Эчки	10. Кийик	18. Каклик	26. Хўроз
3. Қўй	11. Ўрдақ	19. Сў-фитўрғай	27. Товук
4. Қўтос	12. Қўтон	20. Чумчук	28. Товус
5. Буғу	13. Булбул	21. Ғоз	29. Чуғурчук
6. Қуён	14. Бедана	22. Туякуш	30. Попишак
7. Қора-мол	15. Тўтикуш	23. Кабутар	
8. Қулон	16. Тувалоқ	24. Мусича	

Гўшти ҳаром бўлган хайвонлар:

1. Бўри	9. Арслон	17. Ит	25. Фил
2. Сиртлон	10. Қўшоёқ	18. Қисқич-бақа	26. Лочин
3. Мушук	11. Айиқ	19. Чиябўри	27. Қирғий
4. Маймун	12. Чўчка	20. Эшак	28. Қалхат
5. Чаён	13. Олма-хон	21. Қалта-кесак	29. Қўршапа-лак
6. Қоплон	14. Типра-тикан	22. Тулки	30. Ўлак-сахўр
7. Йўлбарс	15. Илон	23. Тимсоҳ	31. Сичқон
8. Гепард	16. Тош-бақа	24. Савсар	32. Қаламуш
			33. Ҳашаротлар

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Al-Kasani, Alauddeen Abu Bakr. "Badai al-Sanai fi Tarteeb al-Shara'i", Vol.5, Darul Nashr.
2. Ibn 'Abideen, Muhammad Ameen. "Radd al-mukhtar 'ala al-durr al-mukhtar", Vol.6, Digital Library of India, IIT Hyderabad, 2015.
3. Usmani, Mufti Taqi. Dars-e-Tirmidhi. Vol.1, Maktaba Dar al-Ulum Karachi, 2016.
4. Uzgendi, Fakhruddin Hasan. "Al-Fatawa Al-Hindiyyah", Vol.5, Maymaniya, Egypt, 1899.
5. Ал-Бухорий М. Ал-Жомийъ Ас-Саҳиҳ. Т.: "Қомуслар Бош таҳририяти", 1996.
6. Аминов Ҳ., Примов С. Ҳанафий фикҳи тарихи, манбалари ва истилоҳлари. Ўқув қўлланма. – Т.: "Мовароуннаҳр", 2017.
7. Зоҳид Р., Дехқон А. Мухтасар – Шариат қонунларига қисқача шарҳ. – Т.: "Қўлпон", 1994.
8. Муҳаммад Юсуф М. Кифоя – Убайдуллоҳ ибн Масъуд Бухорийнинг "Мухтасар ул-Викоя" китобига шарҳ. – Т.: "Ҳилол-нашр", 3-жуз, 2015.
9. Муҳаммад Юсуф М. Тафсири Ҳилол 2-жуз – Т.: "Ҳилол Нашр", 2016.
10. Муҳаммад Юсуф М. Ҳадис ва Ҳаёт. 16-17 жузлар – Таом, шароб, ва либос китоби – Т.: "Шарк", 2011.
11. Нававий Абу Закарийе. Риёзус Солиҳийн. – Т.: "Шарк", 2015.